



### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 23<sup>rd</sup> March 2025  
Online: 24<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Virtual space, fraud,  
cyberattack, cybercrime.

## WAYS TO IMPROVE EARLY PREVENTION OF FRAUD-RELATED OFFENSES IN VIRTUAL SPACE

**Shukurov Otabek Bakhodirovich**

Responsible official of the Ministry of Internal  
Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15075465>

### ABSTRACT

*This article discusses the state of fraud crimes committed in the virtual world in recent years, their detection, elimination of the causes and conditions for their occurrence, as well as factors that positively influence the effectiveness of preventing such crimes. Proposals have been developed to increase the effectiveness of preventive measures against virtual fraud cases from a practical standpoint.*

## ВИРТУАЛ МАКОНДАГИ ФИРИБГАРЛИККА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Шукуров Отабек Баходирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ масъул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15075465>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> March 2025  
Accepted: 23<sup>rd</sup> March 2025  
Online: 24<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Виртуал макон,  
фирибгарлик, киберхужум,  
кибержиноятчилик.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада сўнгги йилларда виртуал оламда содир этилаётган фирибгарлик жиноятлари ҳолати, уларни аниқлаш, уларнинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, шунингдек мазкур жиноятчиликни олдини олиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи омиллар тўғрисида сўз юритилган бўлиб, амалий жиҳатдан виртуал содир этиладиган фирибгарлик ҳолатлари профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таклифлар ишлаб чиқилган.*

Сўнгги йилларда зарарли онлайн фаолият билан боғлиқ кибер жиноятлар сони сезиларли даражада ошганлигини кузатиш мумкин. Масалан, 2024 йилда 12 миллиондан ортиқ киберхужум амалга оширишга уриниш қайд этилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 11 миллионни ташкил этган<sup>1</sup>. Хусусан, фирибгарлик ҳолатлари 34 фоизга ошганлигини, барча шикоятларнинг қарийб 35 фоизи тўлов карталаридаги фирибгарлик билан боғлиқлигини алоҳида қайд этиш лозим. Таъкидланишича, фирибгарлик ҳолатлари кўпайишининг асосий сабабларидан бири банк карталаридан

<sup>1</sup> Киберхавфсизлик маркази расмий маълумотлари



фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётганлиги ҳисобланади. Йил бошида уларнинг сони 40 миллиондан кам бўлган бўлса, ҳозирга келиб 55 миллиондан ошганлиги қайд этилмоқда<sup>2</sup>.

Мазкур соҳада содир этилган жиноятларнинг шахсини аниқлаш ва киберфирибгарлик натижасида ўғирланган маблағларни қайтариш жуда қийин жараён ҳисобланиб, фирибгарликни дунёнинг исталган нуқтасидан ҳар ким содир этиши мумкинлиги вазятни янада мураккаблаштиради. Бундай вазиятда виртуал макондаги фирибгарликнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш биргина ички ишлар органларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки турли фуқаролик жамияти институтлари, банклар, электрон пул айланмасини амалга ошириш билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ҳаттоки оддий фуқароларнинг ҳам бурчи ҳисобланади. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган ташкилот ва идоралар виртуал макондаги фирибгарлик жиноятини содир этишни ҳар қандай омилларини аниқлаш ва бартараф этишда биргаликда ҳаракат қилишларини йўлга қўйишни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, манфаатдор идоралар виртуал макондаги фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, унинг сабаб ва шароитларни бартараф этишда: қонунчиликка қатъий риоя қилишлари; юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлишлари; аҳолининг фирибгарликни олдини олиш борасидаги фикрларини инобатга олишлари; ўзаро ёрдамга доимий таянишлари; юридик ва жисмоний шахсларнинг фирибгарликка оид ариза ва шикоятлари ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор беришлари, қонуний чора-тадбирларни кўришлари зарур.

Айни вақтда амалиётда виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашда йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилган ҳолда, қайд этиб ўтилган жиноят турига қарши кураш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи қўйидаги омиллар инобатга олиниши лозим:

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши кураш стратегиясини белгиловчи норматив ҳужжатларни бир меъёрий тизимга солиш ва унга қарши курашувчи ходимларга мослаштириб қайта ишлаб чиқиш;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашишда аҳоли хизматидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, бунинг учун оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг онгига виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини бутун бир жамиятга ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳатто фуқароларимизга етказаётган жисмоний зарарларига оид қирраларини сингдириш, кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини фаоллаштириш;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг хуфёна хусусиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, унга қарши кураш кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш;

республика ҳудудида Ички ишлар вазирлигининг барча хизматлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона тизими, Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

<sup>2</sup> В Узбекистане за год совершено свыше 12 млн кибератак // URL: <https://kun.uz/ru/news/2025/02/03/v-uzbekistane-za-god-soversheno-svyshe-12-mln-kiberatak>



органлар, банк, молия ва электрон пул айланмасини амалга ошириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида ишончли, тўғри ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Куйидаги таклифларнинг амалиётга тадбиқ этилиши эса, виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш, барвақт профилактикасини ташкил этишда юксак самарадорликка эришишга хизмат қилади:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа идоралардаги мавжуд дастурий тизимларни ягона платформага интеграция қилиш йўли билан барча манфаатдор тарафларнинг фойдаланишини таъминлаш ҳамда туман-шаҳар ички ишлар органларига янги яратилган дастурий тизимни мукамал ишлаши учун сўнгги авлод серверини ажратиш;

кибер фирибгарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг банк пластик картасидаги пул маблағларининг жинойий йўллар билан ўзлаштириш ҳолатлари ошиб бораётганлиги негизида, штатлар масаласини қайта кўриб чиқиш ва мутахассис кадрларни жамлаш;

пластик карта эгаларига интернет-сайтлари, интернет-дўконлари орқали хизматлар харид қилганда эътиборлироқ бўлишни, харид қилиш шартлари, сайтнинг оммавий офертаси билан диққат билан танишиб чиқишни тавсия этиш, карталар б билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва карта маълумотларидан бегоналар фойдаланишига йўл қўймасликни тавсия этиш;

виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш мақсадида етказилган зарарни жазони ижро этиш муассасаларида тўлаб тугатмагунга қадар, шунингдек ушбу зарарни ишлаб қопламагунга қадар, жазо муддатини тўлиқ ўташини жорий этиш;

корхоналар, таълим муассасалари ва оилалардаги ахборот тизимларида киберхавфсизликнинг ишончли таъминланганлиги, Интернет фойдаланувчилари онгида эса Интернетдан фойдаланиш маданияти кўникмасини ошириш виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларини олдини олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўйлаймизки, юқорида қайд этилган омилларнинг эътиборга олиниши виртуал макондаги фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигини оширишда ўзининг ижобий самарасини беради. Мазкур ижтимоий-ҳамкорликни самарали ташкил этиш нафақат виртуал макондаги фирибгарликнинг барвақт олдини олишга, балки аҳоли электрон пул айланмаси билан боғлиқ билимини ва ҳуқуқий онгини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

### **Iqtiboslar/Snoski/References:**

1. Киберхавфсизлик маркази расмий маълумотлари
2. В Узбекистане за год совершено свыше 12 млн кибератак // URL: <https://kun.uz/ru/news/2025/02/03/v-uzbekistane-za-god-soversheno-svyshe-12-mln-kiberatak>